АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан бошлаб чика бошлаган

1995 йил, 30 август, № 22

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

АЙЁМЛАРИНГ НУРИ БИЛАН ОЛАМ ТЎЛГАЙ, ЮРТБОШИ ҲАҚ: КЕЛАЖАГИНГ БУЮК БЎЛГАЙ

ҚУТЛУҒ ТЎЙ ТЎЁНАСИ

Истиқлолнинг қутлуғ тўрт йиллик байрами арафасида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларнинг барчаси халқ оғирини енгил қилиш, унинг турмушини фаровонлаштириш мақсадида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 26 август куни мамлакатимиз пойтахтида фойдаланишга топширилаётган ана шундай иншоотлардан бир қанчасини кўздан кечирди. Пойтахтимиз кўркига-кўрк қўша бошлаган Мустақиллик боғи, Алишер Навоий номидаги миллий боғ ҳудудида барпо этилган кўл, Эски шаҳардаги Соғбон ва Қорасарой кўчаларида ўтказилган йўллар, соҳибқирон Амир Темур хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари, Олой бозорида қурилган савдо маркази шулар жумласидандир.

Юртбошимиз халқимизга хизмат қила бошлайдиган ушбу иншоотларни кўздан кечирар экан, уларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди. Ислом Каримов Эски шаҳарда очилган кенг ва чароғон йўлларда қатнай бошлаган илк троллейбусга ўтириб, меҳнаткашларга яратилган қулайликлар билан танишди. Эски шаҳар аҳли Президентимизни мамнуният билан қаршилаб, бу қулайлик учун ҳукуматимизга миннатдорлик изҳор этди.

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий удумидир, — деди иншоотларни кўздан кечириш ниҳоясида Президент Ислом Каримов. — Бироқ, халқимизнинг турмушини янада гўзал қиладиган бундай савоб ишларни фақат байрамлар арафасида эмас, ҳар доим қилишга одатланишимиз керак. 1995 йил биз ўтиш даврида кечирган оғир йилларнинг сўнггиси, келаётган 1996 йил эса, юксалиш йили бўлишига ишонаман.

Иншоотларни кўздан кечириш чоғида Ўзбекистон Президентига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

(ЎзА).

СУРАТДА: иншоотларни кўздан кечириш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА)тасвирга олган.

БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан табриклайман. Ўзбекистон тўрт йиллик суверен ҳаёти давомида ислоҳотлар йўлидан бориб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ўзаги бўлган давлат тузумини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли аъзоларидан бирига айланди.

Давлатларимизнинг халқлари манфаатига, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга қаратилган Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик мантиқий равишда ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этаман.

Қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, фаровон турмуш ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан:

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз жаноби олийларига Ўзбекистон Республикаси Миллий байрами муносабати билан катта мамнуният билан табрикларимни йўллайман. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверсин.

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўз номимдан мамлакатингиз халқига ва Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси Сиз жаноби олийларининг раҳбарлиги остида давлат суверенитети ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўлида янги-янги ютуқларга эришаверишини тилайман.

Мамлакатингиз гуллаб-яшнайверсин ва тобора қудратли бўлаверсин, халқингизга бахт-саодат ёр бўлсин.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

Цзян ЦЗЭМИНЬ,
Хитой Халқ Республикаси Раиси.

ТАБРИК

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши барча партия аъзоларини ва бутун Ўзбекистон халқини улуғ байрам — республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги билан қизғин муборакбод этади.

Келажаги буюк давлатни яратишда, туб ислоҳотларни амалга оширишда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, ҳуқуқий демократик давлат қуришда барча ватандошларимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайди.

Мустақиллик — улуғ неъмат.

Хайрли ишларда Сизларга ҳамиша омад ва бахт ёр бўлсин!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

АДОЛАТНИНГ ТУҒДОРИСАН, ВАТАНИМ!

Тўртинчи бор шундай айём кутмоқдасан,
Тўртинчи бор ўз Мадҳиянг айтмоқдасан,
Тўртинчи бор ўзинг кўз-кўз этмоқдасан,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Давлат тили деган энди тил бор сенда,
Тазйиқлардан ҳоли бўлган дин бор сенда,
Меҳнатсевар, юртга содиқ эл бор сенда,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Афсус, орзу, афсус, армон, қураш... дердинг,
Аждодларинг армонларин ушалтирдинг,
Авлодларинг эрта кунга ишонтирдинг,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Қадриятни қалбдан суюб ардоқладинг,
Туҳматлардан Темурларни тез покладинг,
Адолатдан қўлларингда туғ сақладинг,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Хориж сенга «орқали»мас, тўғри учар,
Истиқлолинг тан олганлар ҳар кун ўсар,
Фарзандларинг дунё кезиб, зафар қучар,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

«Озод Ватан-обод Ватан!» — шоиринг бор,
Туркистонинг — Умум отлиғ диёринг бор,
Унда сен-ла мақсади бир дўст — ёринг бор,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Юртбоши ҳақ: келажагинг буюк бўлгай,
Нуфуз, қадринг суюклардан суюк бўлгай,
Айёмларинг нури билан олам тўлгай,
Қутлуғ бўлсин қутлуғ кунинг, Ватаним!

Юсуф БЕРДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» II ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Теннис бўйича иккинчи халқаро турнирнинг ҳурматли қатнашчилари, меҳмонлари ва ташкилотчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида қизғин қутлашга ижозат бергайсизлар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бу галги мусобақалар давлатимиз мустақиллигининг 4 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Сизларга, халқаро турнир иштирокчилари ва меҳмонларига мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жаҳон бизни кашф қилади, биз ҳам ўз навбатида жаҳонни англаб етамиз.

Бир неча кундан кейин Тошкентда халқаро олимпия қўмитаси раҳнамолигида биринчи Марказий Осиё ўйинлари бошланади, теннис бўйича Ўзбекистон терма командаси Девис кубоги Осиё зонаси финалида учрашади, октябрь ойида боке бўйича Осиё биринчилиги ўтказилади. Бундай йирик спорт тадбирларининг ўтказилиши бутун жаҳонга янги, мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонни таништиради, миллат саломатлиги мустаҳкамланаётганини, спортчиларимиз маҳорати ортиб бораётганини, жаҳон майдонида уларнинг нуфузи ошаётганини намойиш этади.

Бироқ, биз учун булардан ҳам муҳими — янги-янги дўстлар, спорт мухлисларини орттиришдир. Киши ўзининг қандай эканини кўрсатишнинг спорт майдонида маҳоратини намойиш этишдан яхшироқ усули йўқ.

Бугунги кунда жаҳонга қуролланиш ва вайронгарчилик соҳасидаги беллашувлар керак эмас. Инсониятга барқарорлик ва тинчлик керак. Спорт эса, тинчликнинг мухтор элчиси ҳисобланади.

Энг истеъдодли, энг қобилиятли, энг ёркин иқтидор эгалари жаҳонни спортдаги ютуқлари билан забт этаверсин. Улар фақат спорт майдонларида — ақли, маҳорати, ғайриоддий қобилиятлари, истеъдоди ва жасорати, ғалабага бўлган интилиши билан беллашаверсинлар.

Улар инсон имкониятларининг чексизлигини, унинг жисман ва руҳан мукаммалигини исбот қилсинлар, инсон заковатининг бутун гўзаллиги ва бетакрорлигини кўрсатсинлар.

Муҳтарам мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари!

Мен Ўзбекистон спорт жамоатчилиги ва бутун халқи номидан бугун Ўзбекистон Президенти кубоги учун иккинчи теннис мусобақасига келган барча спортчилар ва уларнинг мураббийларига самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этишни истар эдим.

Мен бу мусобақани ёритиш учун келган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, бу мусобақа унинг иштирокчилари учунгина эмас, кўпсонли спорт мухлислари учун ҳам ҳақиқий байрамга айланади. Мен улкан теннис яқин орада Ўзбекистонда жадал равишда ривожланиб, спортнинг бошқа турлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига аминман. Бунда мазкур мусобақа иштирокчиларининг хизмати катта эканига ҳеч шубҳа йўқ.

Дўстлар!

Бир неча дақиқадан сўнг мусобақамиз бошланади. Кучли ва бир-бирига муносиб кишиларнинг қийин кураши бошланади.

Биз барчангизга муваффақиятлар тилаймиз. Биз мусобақаларимиз ғолибининг оғир курашини муносиб баҳолаймиз.

Мен бу ажойиб спорт байрамининг барча иштирокчиларини муносиб тарзда баҳолашимизни ҳам айтиб ўтишни истар эдим.

Мен сиз азиз меҳмонлар мусобақа ўтадиган кунларда ҳамроҳингиз бўладиган ҳақиқий ўзбек меҳмондўстлиги, халқимизнинг қалб ҳарорати, инсоний ғамхўрликни ҳис қилишингизни жуда-жуда истар эдим.

Мусобақанинг барча ташкилотчиларига, энг аввало жаноб Сассон Какшурига, уларнинг меҳнати, ўйинларнинг муваффақиятли ўтиши йўлида қилган барча иши учун катта раҳмат.

Жаҳоннинг барча томонидан келиб, қўёшли Ўзбекистон пойтахтида тўпланган барча мусобақа иштирокчилари, катта ракетка усталарини яна бир табриклашга ижозат бергайсизлар.

Мусобақанинг барча иштирокчиларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Яшасин спорт!

Яшасин тинчлик ва дўстлик!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС ВАТАНИ БЎЛАДИ

29 август куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун иккинчи халқаро турнирнинг расмий очилиш маросими бўлди. Мазкур турнирнинг халқаро миқёсдаги нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги мусобақага АҚШ, Германия, Франция, Руминия, Россия каби 14 мамлакатдан вакиллар ташриф буюргани, бир қанча хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари уни ёритаётгани шундан далолат бериб турибди.

Президент Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади. Юртбошимиз Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, хусусан янги бунёд этилаётган спорт иншоотлари хусусида тўхталди. Меҳмонларга, спортчилар ва уларнинг устозларига мазкур турнирда фаол иштирок этаётганликлари учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг катта теннис ватани бўлишида ана шу турнир қатнашчиларининг хизмати беқиёс эканини қайд этди.

Халқаро спорт мусобақаларининг моҳир ташкилотчиси, Ўзбекистон Президенти кубоги турнирининг бош ҳомийси Сассон Какшури маросимда сўз олиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, теннисни оммавийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар юксак эътирофга сазовор эканини таъкидлади.

Турнир очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Унга ҳамоҳанг равишда давлатимиз байроғи кўтарилади. Мусобақа қатнашчилари, меҳмонлар ва томошабинларни олқишлаб олов фавворалар кўкка отилади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақалар давом этади.

Турнирнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур мусобақани ўтказиш ташкилот қўмитасининг раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯ

BS

BURSEL HOLDING

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқини миллий байрам — истиқлолнинг тўрт йиллиги билан чин юракдан

МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Келажаги буюк бўлган мустақил демократик давлатни бунёд этиш йўлида бахт-саодат, равнақ ҳамда фаровонлик тилайди.

ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛИ, ТИНЧЛИК ПОСБОНИ, ҲАҚСЕВАР, ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Ўзбекистон чет элликлар нигоҳида

КАМОЛ ТОПАЁТГАН ЎЛКА

Ўз миллий байроғини истиқлолнинг ёқимли шабадасида ҳилпиратиб бораётган давлатимиз, жаҳон давлатлари Ҳамжамияти қаторига дадил кириб бормоқда. Ҳоҳ Овропада бўлсин, хоҳ Осиёда — давлатлараро алоқалар кучайганидан кучаймоқда, юртимизнинг ташқи обрў-эътибори кундан-кунга ошиб, мустаҳкамланиб бораётганлиги кўзга ташланиб турибди.

Яқингинада Туркия жумҳуриятининг давлат бошлиғи Тансу Чиллер хоним Ўзбекистонга келиб кетдилар. Туркия-Ўзбекистон алоқалари янада, юқорироқ поғонага кўтарилиши учун янги асослар юзага келди. Туркия матбуоти ходимлари бу воқеага катта аҳамият бераётганлари сезилиб турибди. Кунора, ё ҳафта сайин турк газеталари Ўзбекистонга оид яхши хабар ва мақолалар бериб туришибди. Яқинда турк журналисти Ҳидоят Тиктош ҳам Туркияда чиқадиган «Замон» газетасида Ўзбекистонга оид бир қатор мақолаларни эълон қилди.

Ҳидоят Тиктош Туркиянинг Амасё вилоятида 1967 йилда туғилган. 1989 йилда «19 май университети»ни тугатган. 1992-1994 йилларда Ўзбекистонда мухбир бўлиб ишлади. Тошкентда уйланди ва шу ерда бир қизлик бўлди. Қуйида унинг мақолаларидан бирини эълон қиламиз.

● Бу мақоламда Ўзбекистонда икки йил яшаган пайтларимда мени ҳайрон қолдирган ва кўнглимда бир умрлик унутилмас излар қолдирган баъзи ҳодисаларни ва туйғуларимни баён этишни мўлжалладим. Мақоламни яхшироқ ёзиш учун Ўзбекистон хотираларимни киноленталардай, такрор-такрор кўз ўнгимдан ўтказдим. Балки келгусида бир имкон бўлиб қолар ва мен бу хотираларимнинг ҳаммасини ёзарман ва бир китоб ҳолига келтириб, турк ўқувчиларига тақдим этарман.

Ўзбекистонга тайинланганимни айтишганда — бу бироз бўлсада, менинг истагим билан амалга ошди — дунё харитасидан Русия ҳудуди ичидаги Ўзбекистонни топган, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби шаҳарларни кўриб, «Хайрият, тарихий романларда ўқигандим, энди бу ўлкага кетаман» дея обдан севингандим.

Тошкент самоларида учоғимиз пастлаганда «сердарахт, ям-яшил шаҳар»нинг Тошкент эканлигини билмаганим учун «Учоқ бу ерга ҳар ҳолда қўнса керак, ёнилғи олиб, сўнг Тошкентга учса керак» деб ўйладим. Учоқда айтилган эълонни эшитганда қўнган жойимиз Тошкент эканлигидан ҳайратландим. Мен Тошкентнинг номига қараб «катта темир-бетон бинолари бўлган, жуда яшил бўлмаган бир шаҳар» деб ҳисоблардим. Эсанкирашларим бироз тарқалганда, Тошкентнинг зеҳнимда доимо қоладиган исмини қўйди: «Дарахткент».

● Ўзбек қардошларимиз жуда меҳмонпарвар ва самимий инсонлар. Туркиядан келганлигингизни эшитишлари биланоқ бу самимиятлари янада ортади. Меҳмонпарварликлари шу даражадаки, уларни бир меҳмоннинг кўнглини олиш, иззат-икром қилиш учун бир-икки ойлик маошни соқит қилиб юборади. Мен бу қардошларимиз орасида «Меҳмон-отангдан улуғ» мақолининг ҳақиқатдан мазмунига мослигини кўрдим ва бундан баҳраманд бўлиб яшадим. Бу ўлкадаги энг яқин дўстларимдан бири бўлган Даврон «Бир марта Тошкентнинг сувини ичган одам Маккадан (Каъбадан) қайтиб келади» деган ўзбек мақолини айтганда, аввалари ишонгим келмади. Аммо иш бошлаганимдан бир йил кейин Туркияга 20 кунлик таътилга кетганда бу мақолнинг маъносини ҳис қил- дим. Чунки, таътилимнинг иккинчи ҳафтасидаёқ Тошкентни ва у ердаги дўстларимни соғингандим. Ҳозир ҳам дўстларимни, думба ёғли ўзбек паловини ва Чиғатойнинг шашлигини соғиниб юрибман, десам ёлғон бўлмайди.

● Президент Ислом Каримов Ўзбекистон дунё давлатлари орасида ўзига лойиқ жойни эгаллаши учун бутун жони-тани билан, чин кўнгилдан куйиб-пишиб ғайрат қилаётган, иқтисодиётни ва халқаро сиёсатни яхши биладиган ва ўзбек халқининг ҳурматини қозонган раҳбар. Бу сўзларни, шунчаки қуруқдан-қуруқ мадҳ этиш учун сўйламаётирман. Мен ўзим икки йил шу ўлкада яшадим, шу муддат ичида деярли эллик марта матбуот йиғини баҳонасида у билан бир том остида бирга бўлдим, хизматим тақозоси билан унинг гапларини эшитдим, хатти-ҳаракатларини кўрдим. Энди шу одам ҳақида сизларга сўзлаётирман. Бизлар билан ўтказган барча суҳбатларида Каримов, халқ иборалари ва ота сўзларидан керакли жойида, жуда ўринли фойдаланишларини кўрдим. Эскидан бутунлай воз кечиш ўрнига фойдали қисмларни олиб, қолганини ташлаш тўғрисида сўзлар экан, Каримов «Янги уй қуришдан олдин эскисини бузмай тур», «Етти ўлчаб бир кес», «Ҳар нарсага танқидий назар билан қара» сингари жумлаларини бот-бот ишлатар эди. Барча бундай сўзлари билан Каримов эҳтиёткор ва қилни қирқ ёрадиган моҳир раҳбар эканлигини кўрсатмоқда. Ўлкадаги қийинчиликларни ўз халқига очиқчасига айтаётган Каримов «Ҳеч бир ўлка ўз мустақиллигини жанг-жадал, мужодаласиз қўлга киритмаган. Биз эса истиқлолимизга жанг-жадалсиз эришдик. Энди эса иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун жанг қилаётирмиз» тарзидаги фикрлари билан халқни сабр қилишга ва қурашга чақирмоқда. Юрт ичкарисидаги бу ғайрат-шижоатларнинг ёнида юрт ташқарисидаги халқаро тинчлик ва осойишталикнинг сақланиши учун катта жонбозлик қилаётган Каримов, хусусан, Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминланиши, сақланиши учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолийга икки марта мактуб йўллаган, айни чоғда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-йиғинида сўзлаган нутқида бутун дунё давлат бошлиқларининг диққатини Тожикистон масаласига жалб этганди. Бундай ғайратлари ва фаолиятлари билан марказ Бишкекда бўлган халқаро руҳонийлар жамияти томонидан 1993 йили Тинчлик мукофотига лойиқ деб топилди. Бу ички ва ташқи саъй-ҳаракатларни чуқур ҳис қилмаётган бир гуруҳ мухолиф — манфаатпараст давра Оврупада «Каримов диктатор. Ўзбекистонда демократия йўқ. Инсон ҳуқуқлари поймол қилинмоқда» сингари овозаларни тарқатмоқда. Каримов Овропалик мутахассис сиёсатчилар кузатуви остида бир сайлов ва бир Референдумни амалга ошириб, бу мухолиф гурухга керакли жавобни берди.

Бугун Ўзбекистон ҳар соҳада юксак суръат билан камол топаётган ўлкадир. Менинг бутун тилак ва дуоларим «Келажаги буюк давлат» бўлган Ўзбекистоннинг дунё давлатлари орасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашига қаратилган. Шундай орзу-тилаклар, билан барча ўзбек биродарларимга бутун жону танимдан чин кўнгилдан саломлар йўллайман!

Туркчадан Миразиз АЪЗАМ таржимаси.



Қадаминг қутлуғ бўлсин, истиқлол фарзанди.

М. САРИМСОҚОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН

Мовий осмон тиниқ, ҳаво беғубор,
Қўш дарё, — кўш кокил, қўшалоқ кўзгу.
Унда чексиз меҳр, чин садоқат бор —
Она Ўзбекистон аталган эл бу!
Ҳар зарра тупроғи кўзга тутиё,
Гулгун жамолидан янграйди кўнгил.
Оламга донг ила таратар зиё —
Гўзал Ўзбекистон аталган бу эл!

Чўнг дунё нигоҳи унга қадалур:
Шодлик кунларида дўстлар унга ёр,
Обод Ўзбекистон дея аталур,
Бу боғ ва гул юрти танилган диёр!
Ҳар ўзбек шодлиги қувончга дўстдир,
Биродар, ташвишу аламни унут.
Орзу-ният аниқ, ишлар дурустдир,
Эркин нафас олар бундан она юрт!
Ҳеч ким ҳам топганин элдан аямас.
Тўй қилар, бу шодон кунига бонгдир.
Ерини, сувини билган муқаддас —
Меҳмондўст, бағри кенг азиз инсондир!
Бугун истиқлолнинг кулган куни гар,
Оппоқ тонг дунёда энг нурли тонгдир.
Менинг суянч тоғим, азиз одамлар —
Тупроғи олтин бу — Ўзбекистондир!

ТЎЛҚИН.

ИСТИҚЛОЛ

Мовийдир осмон, тоғлар мафтункор,
Чайқалар уммон, боғлар бетакрор,
Водийлар сўлим, сувлар мусаффо,
Бу юртда доим гўзалдир дунё.
Кечалар ойдин, тонглар, беғубор,
Бунда ҳар гулнинг ўз қўшиғи бор.
Шаҳарлар кўҳна, эллар навқирон,
Уйғонур қайта қадимий Турон.
Порлайди юлдуз, очилар ғунча,
Тун ва кундузнинг файзи ўзгача.
Дарёлар тошқин, чўллар бепоён,
Бу қадим юртнинг йўллари равон.
Азиз диёрим, Ўзбекистоним,
Чорлайди сени нурли истиқбол.
Жаҳонда тенгсиз гўзал бўстоним,
Ёр бўлсин сенга буюк ИСТИҚЛОЛ!

Иброҳим ЖИЯНОВ.

Нуқтаи назар

ҚОНУН БИЛАН ЯШАШНИ ЎРГАНАЙЛИК

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, республикамиз ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлаб, унинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий асосларини яратишга киришди. Тарихий қадриятларимиз, халқимизнинг манфаатларини инобатга олиб, биринчи мустақил Олий Кенгаш томонидан тайёрланган ва қабул қилинган 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд қарорлар ёш давлатимизнинг қонунчилик борасидаги илк қадамлари бўлди. Ўтган тўрт йил давомида халқимиз кўп нарсани тушуниб етди. Эртанги куннинг аниқ-равшанлигига, мамлакатимизнинг келажаги буюклигига қатъий ишонч пайдо бўлди. Аниқ мақсад ва қатъий ирода билан уларнинг туб ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлаётганликларининг боиси ҳам ана шунда.

Давлат, унинг сиёсати фақат халқ манфаати учун хизмат қилиши зарурлиги аниқ ва лўнда қилиб кўрсатиб берилди. Бу ўз навбатида давлат билан фуқаро, жамият билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўйғунлашишига катта имконият яратиши шубҳасиздир.

Ҳаёт ҳуқуқий демократик, инсонпарвар давлатни вужудга келтиришнинг бош омили мукаммал қонунчилик эканлигини кўрсатиб турибди. Қонун устивор жойда маънавий-аҳлоқий олам ҳам етук бўлади. Одамлар ўзларини ўзлари бошқариб боравердилар. Улар учун жиноятга қўл уриш, ўзгалар ҳақига хиёнат қилиш, фириб бериш, инсон қадр-қимматини ерга уриш каби хатти-ҳаракатлар бегона бўлиб боравераги.

Қай бир жамият фуқароси бўлмасин, агар мавжуд қонунларни билмаса ёки билиб туриб назар писанд қилмаса, ёҳуд ҳақ ҳуқуқини билмаса ҳар қадамда қонун бузилишига йўл қўяверади. Қонунни жумладан, ўз ҳуқуқини билмаган инсонда курашчанлик, ҳатто Ватан туйғуси, миллий ғурур каби хислат етарли шаклланмаган бўлади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида инсоннинг яратувчилик имкониятларини тўла ишга солишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Бугунги Ўзбекистон аср сўнгтида ўзининг фавқулодда кенг имкониятларини тобора кўпроқ намоён қилмоқда. Айни пайтда янги аср, янги давр нафақат ўзбек халқи тақдирида, балки бутун жаҳон аҳли ҳаётида туб бурилишлар даври эканлигини олдиндан кўра билмоқда ва шундай бўлишга интилмоқда. Олий Мажлис биринчи сессисида таъкидлаганидек, халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган. Бу йўлни истиқлол учун, мустақил Ўзбекистон учун, бозор муносабатлари, умуман, туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни қўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи танлаб олади. Халқ якдиллиги ва ҳамфикрлиги ҳаммамизнинг буюк ғалабамиздир.

Бу чин ҳақиқат, зеро, халқ қарашлари ва орзу-умидлари давлат сиёсати, мақсади ва дастури билан уйғунлашиб бораётган Ўзбекистонда гоят баркамол маънавий-сиёсий муҳит вужудга келаётганлигидан ва унинг аср остонасида янгидан-янги имкониятларни кўрсатиб бераётганидан, бу она заминда бебаҳо инсонлар яшаётганлигидан далолат беради.

Ана шулар нуқтаи-назаридан қараганда, бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг биринчи ва иккинчи сессиялари чиндан ҳам мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Халқ депутатлари мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг фаровон жамият сари бошлаш йўлидаги муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентимизнинг барча йўналишлар бўйича амалга ошираётган туб ислоҳотлари қонунчилик ва қонунга оғишмай риоя этишликка асосланган. Бу борада ўзларини куни-кеча турли тилларда чоп этилиб, ўз ўқувчилари қўлига теккан «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўқиган ҳар бир китобхон бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Муҳтарам юртбошимиз китобда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам қонунга оғишмай амал қилишликни алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири-бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик-зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолотини, ислоҳотлар ортига чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди.

Мустаҳкам ҳуқуқий негизи бўлмаганда ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Республикамизнинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади. Шу сабабли биринчи босқичда биз ислоҳотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш жиҳати янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришимизни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устиворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак.

Шу кунларда бўладиган навбатдаги Республика Олий Мажлисининг учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш айниқса, ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида, истиқлол йўлида яна бир забардаст қадам бўлади.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг чоп этилиши ва мустақиллигимизни тўрт йиллиги олдидан китобхонлар қўлига тегиши республикамиз ҳаётида катта аҳамиятга молик воқеалардан бири бўлди. Китоб нафақат давлат арбоблари, сиёсатчилар учун балки мустақиллигимизнинг мустаҳкамлаш йўлида фаолият кўрсатаётган, республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётган жамики ватандошларимиз учун ва биз прокурорлар учун бебаҳо қўлланма бўлиб, ёш давлатимизнинг бугунги ва эртанги, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларини қонун асосида амалга оширишга холис хизмат қилади.

Каримберди ҒАНИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кадрлар бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.
Муҳамадали ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Мустақиллик — улуғ неъмат

— Илоҳим, мустақиллигимиз мустаҳкам, Ватанимиз тинч, элимиз обод, юртбошимиз омон бўлсин!..

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН

● АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманидаги «Яратувчи» кичик корхонасида якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар кеча кундузда 40 мингта хом ғишт ва 20 мингта пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда асфальт ва оҳак цехлари ҳам ишлаб турибди. Ўтган йили корхона 6 миллион сўмлик қурилиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарган эди. Бу йил эса ундан бир ярим баравар кўп маҳсулот чиқариш режалаштириляпти.

ЯНГИ БИЛИМ ЮРТИ

● ХОРАЗМ. Хазорасп тумани марказида 720 ўринли ҳунар-техника билим юрти қуриб битказилди. Турли касбдаги қишлоқ хўжалик ходимлари тайёрланадиган бу илм даргоҳининг эшиклари қутлуғ байрам кунида кенг очилади. Байрам арафасида, шунингдек, Урганчда, Янгиариқда ва Қўшкўпирда янги мактаблар болаларни ўз бағрига олади.

Янгибозор тумани марказида эса уй-жой биноси фойдаланишга топширилади.

ДУНЁ САРИ ОЧИЛГАН ЙЎЛ

Истиқлолнинг ўтган тарихий тўрт йили мобайнида, бошқа жабҳаларда бўлганидек, диний ташкилотлар ва диндорлар ҳаётида кўплаб залворли, унутилмас воқеалар, ўзгаришлар рўй берди.

Энг муҳими, давлатимиз билан динимиз ўртасида қониқарли, фараҳбахш муносабат ўрнатилди. Ҳозирги кунда у такомиллашиб, мустаҳкамланиб, тағин ҳам яхшиланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий адолатли мезонлар белгилаб берилди.

Ҳукумат қошидаги диний ишлар бўйича масъул ходимларнинг динга нисбатан янги давр тафаккури, дунёқараши асосида, республикамизнинг ёрқин келажаги манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошишлари, умумий фикрларимизнинг муштараклиги муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда. Мавжуд муаммоларга икки томонлама ижобий ёндашув маънавий ҳам руҳий қашшоқликни енгиш учун зарур шароитлар яратиб бермоқда. Исломни билмай, уни асоссиз қоралаш барҳам топиб, дин тўғрисидаги фикрларни чуқур илмий, ҳам тажриба асосида таҳлил этиб баҳолаш, ёритиш қарор топмоқда. Шу асосда давлатга, унинг оқилона сиёсатига нисбатан нафақат диндор ва динга эҳтиром билан қаровчиларнинг, балки бошқа тоифадаги кишиларнинг ҳам ҳурмати ошмоқда.

Улуғ шодиёна арафасида махсус мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмита раиси Шарафуддин Мирмаҳмудов билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам Шарафуддин домла, Диний ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни боғлаб турувчи Дин ишлари бўйича қўмитанинг тузилиши бу соҳани муфовиқлаштиришда, тартибли йўлга қўйишда оқилона тадбир бўлди, десак янглишмаймиз. Қўмита бу кун дин аҳлларининг барча қатори жонажон диёримизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг осойишталигини, барқарорликни асраш, мураккаб бозор иқтисодиёти шароитига ларзасиз ўтишни амалга ошириш, мамлакатимизни жаҳонга танитиш каби улуғвор мақсадларга қаратилган юртбошимизнинг изчил, самарали ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб уларни амалга оширишда фаол қатнашишларини таъминлаш ишига бошчилик қилмоқда. Бу кишини қувонтиради. Шундай эмасми?

— Албатта. Бу ўринда шуни алоҳида таъкиллаш жоизки, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов дин ва дин аҳлларига, диний ташкилотларга тўғри, самимий муносабатда бўлишда шахсан намуна кўрсатмоқдалар. Унинг равнақини таъминловчи асосий вазифаларни мунтазам аниқ белгилаб бермоқдалар. Юртбошимизнинг бу улуғ, савобли фаолияти республикамиздагина эмас, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Президентимизга халқимизни беҳад қувонтирган, айниқса, дин аҳли обрўсини сарафроз этган бутун мусулмон оламида машҳур бўлган «Ал-Азҳар» дорилфунунининг фахрий доктори илмий унвонини берилиши фикримизнинг далилидир. Бинобарин, у киши бу юксак унвонга «Ислом динини муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» сазовор бўлгандирлар.

Аллоҳ таолонинг иродаси, мустақиллик шарофати билан диндорларнинг қонуний ҳуқуқларининг тикланиши ва қатъий риоя этилиши, диний ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик, диндорлар ва дин арбобларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда, хайрия ишларида, маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, муқаддас сафарга борувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. 1995 йилнинг ўзида 3 мингдан ортиқ киши Ҳаж, минглаб мусулмонлар Умра маросимларини бажариб қайтдилар. Президентимизнинг Фармонлари билан Қурбон ва Рамазон ҳайитлари айёми дам олиш куни деб эълон қилинди. «Ислом нури» газетаси, «Мовароуннаҳр мусулмонлари» журналлари ўз мухлисларини хушнуд этиб келмоқда.

— Айтинг-чи, республикамизда ва хорижий мамлакатларда малакали диний ходимларни тайёрлашга қандай аҳамият берилмоқда?

— Бу ўринда шуни алоҳида мамнуният билан айтамоқчиманки, кейинги пайтда Имом Бухорий номли «Тошкент олий Ислом маъҳадида». Бухородаги «Мир-Араб» мадрасасида талабаларнинг кўпайишига эришилди. Булардан ташқари ҳозир республика диний ходимлар тайёрлайдиган ўндан ортиқ мадраса янгидан ташкил этилган. Толиби илмлар бу даргоҳларда диний ва дунёвий фанлардан таҳсил олиб, диний маълумотга эга бўлмоқдалар. Айни вақтда Миср Араб республикаси, Саудия Арабистони, Туркия сингари йирик Ислом мамлакатларининг олий ва махсус билим масканларида юзлаб ўзбекистонлик ёшлар бошқа фанлар қатори дин тарихи ва асосларини ўқиб ўрганмоқдалар. Зотан, шу нарса аниққки, ҳар бир соҳада бўлганидек, Ислом тарихи, унинг ақидалари, Марказий Осиёга тарқалиши, бу ердаги халқларнинг тарихи, маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрни каби мавзулар билан шуғулланувчи мутахассислар етарли бўлмаса, чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмаса, савия кўтарилмайди. У ўз навбатида миллатнинг маънавий савиясига, унинг истиқболига таъсир этади. Бу муҳим муаммони ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентда ташкил этилган Халқаро Ислом тадқиқот марказининг фаолиятига таянамиз.

Имом хатибларимизнинг ҳам жаҳон талаблари даражасида билимга, тажрибага эга бўлишларига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда умумбашарий қадриятларни қарор топтиришда фаол иштироки ўз самарасини бермоқда. Янги масжид, мадрасалар очилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида беш мингдан ортиқ масжид фаолият кўрсатмоқда. Қатор тарихий обидалар, меъморчилик ёдгорликлари диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди. Давлатимиз Қуръони Каримни, Имом Бухорийнинг «ал-Жоме ас-Саҳиҳи» китобини биринчи марта ўзбек тилида нашр этилишига ёрдам берди. Умуман, диний асарларни чоп этишга кенг имкониятлар яратилди. Дин пешволари ўз фикрларини матбуот, телекўрсатувлар ва радио орқали эркин-эмин мунтазам баён этмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Саудия Арабистонига сафари чоғида Каъба-Байтуллоҳ ичига киришдек шарафга муяссар бўлишлари республикамиз мусулмонларининг кўкрагини тоғдек кўтариб юборди. Ҳаж ва Умрага, Макка ва Мадинани зиёрат этишга отланган Ўзбекистонлик мусулмонларга модний ходимларнинг ўзларининг Мисрда уч ойлик курсларда ўқиб қайтишларига, Туркия масжид, ўқув даргоҳларида бўлиб, тажриба алмашишларига эришдик. Динимиз вакиллари хорижий мамлакатларда ўтказилаётган халқаро диний анжуманларда, Қуръон ўқиш танловларида қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар. Албатта, бу яхшиликларга эришмоқликка биринчидан ҳукуматимиз томонидан очилган йўл сабабчи бўлса, иккинчидан диндорларимизнинг меҳнат машаққатлари, ўз билимларини тинмай ошира боришлари, изланишларидир. Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан дунё мамлакатлари сари очилган йўл, Ўзбекистон билан диний ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мамлакатлар, сонини кун сайин орттирмоқда. Ўтган даврда қўмита ўнлаб халқаро диний ташкилотлар билан алоқа боғлаб, ўзаро манфаат асосида борди-келди қилишга эришди. У ҳозир тобора кенгайиб бормоқда.

— Давр, мустақиллик шу кунинг зарур муаммоларини ҳал этиш билан, қадимий бой тарихнинг илғор анъаналарини тиклаш, улардан сабоқ олишни ҳам тақозо этмоқда. Бу борадаги ишлар билан ҳам муштарийларимизни таништирсангиз?...

— Кўҳна Мовароуннаҳр ва Хуросон, Туркистон фарзандларининг жаҳон илм-маърифатига, дин тараққиётига қўшган ҳиссалари, ўлмас асарлари салмоқлидир. Шу табаррук заминдан чиққан Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, аз-Замахшарий, ал-Фаробий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Рудакий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб мутафаккир алломаларни жаҳон яхши билади.

Бугунги кунда дунё закийлари силсиласида ёғуг юлдуздек чарақлаб турган аждодларимизнинг маънавий меросларини ўрганиш, уларнинг нафақат аҳли дин орасида, балки кенг қамровли илм соҳиблари, жамоатчилик орасида ўз ўрни, қадрини тиклаш қўмитанинг асосий вазифаларидан деб биламиз. Улуғ алломаларнинг асрлар давомида Хуросон, Туркистондагина эмас, бутун дунёда фозил фузалоларга дастур бўлиб келган дин тарихидан сўзловчи, Қуръони Каримга оид, Ҳадис матнини чақиб берувчи, аҳлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни, тинчлик-осойишталикни таргиб этувчи асарларини нашрга тайёрлаб чоп этиш эзгу ниятимиздир.

Бунда биз Тошкент Халқаро Ислом тадқиқот маркази билан ҳамкорликка катта аҳамият берамиз.

— Домла, дин ишлари бўйича қўмита бундан буён ўз қобиғида ўралашиб қолмаслиги, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, вазирликлар, фахрийлар кенгаши, «маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун», «Саломатлик ва меҳр-шафқат» хайрия жамғармалари, Хотин-қизлар, Ёшлар иттифоқи қўмиталари, маданий-маърифий марказ, «Экосан» ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқиндан мустаҳкам алоқа боғласа бу албатта фойдадан ҳоли бўлмаса керак?

— Албатта. Асосий ишимиз, республикамиздаги диний муҳитни, жамоат фикрини муттасил ўрганиш, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини, унга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Республикамиздаги мавжуд турли динлар ўртасидаги ҳамкорлик янги жамият қуришимизнинг тамойилларидандир. Шунинг учун Ўзбекистонда ягона ҳуқуқий мақом асосида иш олиб бораётган йирик тўртта диний марказ — Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси, Ўрта Осиё Рус Православ черкови бошқармаси, Ўрта Осиё Инжил Исовий-баптистлари маркази, Ўрта Осиё Еттинчи кун Адвентистлари черкови конференцияси ва бошқа қатор диний бирлашмаларнинг ҳукумат билан битадиган ишларини тез ва соз ҳал этишда ташаббускор, ҳамкор бўлиш зарурий фаолиятимиздан биридир.

— Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, динга муносабатларидан қатъий назар, тегишли қонунлар тизими асосида тенгдирлар...

— Жуда тўғри, айтдингиз. Бу қонунлар фуқароларга, диндорларга катта ҳуқуқлар бериш билан бирга, зиммасига муайян вазифаларни ҳам юклайди. Бинобарин, диний ташкилотлар ўз фаолиятларида қонунларга ва ҳуқуқ тадқиқот талабларига риоя қилишлари лозим. Олис, машаққатли бўлса ҳам, ҳидоят йўлида, истиқлол манзилида бир муддат мушкулотлар, танқисликлар учраса ҳам бардош бериш, чинакам, фидойи, кўзи очиқ, зийрак ватанпарвар бўлиш маъқулдир. Сиёсатда диний ақидапарастлик, мутаассиблик, бидъат, хавфли, кишини ожиз қилиб қўядиган нолойиқ амаллардандир. Бу йўлдаги нопок манфаатларни кўзловчи баъзи руҳонийларни яхши йўлга чақириш ниятимиздир. Аллоҳ ризолиги, инсонлар манфаати учун Аллоҳ хоҳлаган ишни қиламиз.

Исломнинг асосий таълимотларида бўлмаган нарсаларни диндан деб тушуниб, уни ado этиш кимга, нимага керак? Масалан, киши вафот этгандан сўнг қилинадиган етти, йигирма, қирқ, йил ошу каби қатор маросимларни олинг. Улар аниқ Ислом таълимотида бўлмаган бидъатлардандир. Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси билан ҳамжиҳат бундай ишларга қарши зарур фатволар чиқариб, уларни масжидлар орқали халққа етказиш амалга оширамиз, иншооллоҳ. Айни вақтда ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи, ўтмиши, ҳозирги куни, маданий мероси мужассам бўлган урф-одатларни эзозлаш йўлидан юрамиз. Удумларимизнинг мазмуни, миллийлигини, умумисонийлик жиҳатларини ривожлантиришга, эсдан чиққан, унутилаётганларини тиклашга, ортиқча ташвиш ва харажатлардан озод қилишга, меъёрини билишга кўмаклашишни давом эттирамиз. Бу муҳим масалаларни ҳал этишни асосий бурчларимиздан деб ҳисоблаймиз.

Бизни дин билан бирга умумий орзуларимиз, интилишларимиз, қадриятларимиз муштараклиги бирлаштириб туради. Шу нарса аниқки, ҳеч бир миллат ҳам, техника ва маданиятни ривожлантирмай туриб, ҳозирги даврда илғор миллат бўлиб етиша олмайди. Бунда Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини ёдда тутиш фойдалидир.

Диндорлар ва руҳонийлар бутун халқимиз қатори Ўзбекистонда турли соҳаларда инсон эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат ва демократик фуқаролар жамияти барпо этилишини қўллаб-қувватламоқдалар, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ва бошқа диний ташкилот ва уюшмалар бу савобли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

Расул РАҲМОНОВ суҳбатлашди.

БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Давра суҳбати

***МУХБИР:** Кўппартиялилик асосида таркиб топган янги парламентнинг иш бошлаганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Лекин орадан ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у ўз шакл-шамойилига, иш юритиш услубига эга бўлди. Шу ўринда Олий Мажлиснинг давлатимиз сиёсий тизимидаги ўрни қандай? У олдинги парламент — Олий Кенгашдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?, — деган саволлар пайдо бўлади. Суҳбатимизни ана шундан бошласак.*

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Авваламбор шуни фахр билан айтишимиз керакки , Ўзбекистонимизнинг энг демократик талабларга жавоб берадиган Конституцияси мавжуд. Унинг 76-моддасида эса Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширириши белгилаб қўйилган. Қонун устиворлигига эришиш ва таъсирчан ҳуқуқий механизмни вужудга келтириш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаларидир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, келажаги буюк давлат яратаётган мамлакатимизнинг сиёсий тизимини Олий Мажлиссиз тасаввур қилиш қийин.

Бугунги Олий Мажлисни аввалги парламент билан таққослаганда қуйидаги фарқли жиҳатларини кўриш мумкин:

Биринчидан, Олий Кенгаш ўз фаолиятини бошлаган пайтда, собиқ иттифоқ тузумининг қонунлари кучда эди. Олий Мажлисимиз эса республикамиз истиқболга эришгач ва жаҳон мамлакатлари томонидан мустақил давлат сифатида тан олингач, сайланди.

Иккинчидан, Олий Мажлисимиз илк бор кўппартиявийлик асосида барпо бўлди. У доимий ишловчи депутатларига, фракция ва блокларига эга бўлган парламентдир.

А. ЖАЛОЛОВ: Жаҳон давлатчилиги тажрибаси ва тараққиётининг илғор, демократик анъаналарига таянган ҳолда яратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қайд этилган. Конституцияга мувофиқ Олий Мажлис давлатимизнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик идораси ҳисобланади.

Жаҳон давлатчилиги тажрибасига кўра, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларининг бир-биридан ажратилиши жамиятда демократик тартиботларнинг жорий этилишида муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқарувининг президентлик тизимига асосланган мамлакатларда бу ҳолат ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундай шароитда мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ижроия ҳокимияти — ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Олий қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари бир-биридан мустақил, умумхалқ сайловлари асосида шакилланадилар. Бу ҳол уларнинг ўз фаолиятларининг амалга оширишдаги муайян мустақилликлари даражасини белгилайди.

Бизда давлат ҳокимиятчилигининг мана шундай демократик тамойилларга асосланган тизими вужудга келтирилди. Бундай амалиёт жамиятимизда юз бераётган бошқа туб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий жараёнлар билан уйғунлашиб, келажакда, албатта, ўз мевасини беради, деб умид қиламиз.

Олий Мажлиснинг олдинги парламент — Олий Кенгашдан фарқи масаласига келсак, Президентимиз биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузаларида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтган эдилар. Бунга биронбир қўшимча қилишнинг ўзи амри маҳолдир. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун моҳияти билан фарқ қилади. Унинг шаклланишидан тортиб, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва иш усулларигача буни яққол исботлайди.»

Унда мазкур фарқнинг қуйидаги асосий кўринишларда мавжуд эканлигига ишора қилинган:

— депутатлар сайлови кўппартиялилик асосида ўтказилди;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларни ташкил этиш жараёнида номзодларга нисбатан юқоридан бериладиган синфий-сифатий ёндошувга (депутатликка номзодлар орасида қанча ишчи, деҳқон, зиёли, хотин-қизлар бўлишлигини олдиндан белгилаб қўйиш) барҳам берилди;

—депутатлар муқобил номзодлар орасидан сайланди;

— кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис фаолиятига фракциялар воситасида жорий этилди;

— депутатлар ўз сайловчилари олдида тегишли тартибда ҳисобот берадилар... Қисқа қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон шўролар давридаги Ўзбекистондан қандай фарқ қилса, Олий Мажлис ҳам Олий Кенгашдан айнан шу жиҳатлари билан ажралиб туриши таъкидланган.

А. ЖЎРАБОЕВ: — Мен шу ўринда Олий Мажлиснинг Олий Кенгашдан яна бир фарқи хусусида тўхталмоқчиман.

Олий Мажлис мустақил Ўзбекистоннинг биринчи парламенти ҳисобланади. Чунки олдинги парламент шўролар даврида сайланган эди. Абдулҳафиз ака бояғи ўзи бир гапни айтдилар. Мустақил Ўзбекистон шўролар яъни тоталитар тузумдан нимаси билан фарқ қилса, Олий Мажлис ҳам Олий Кенгашдан ана шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу эса икки парламент ўртасидаги яна бир фарқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Олий Мажлисга сайловлар кўппартиялилик асосида ўтганлигидир. Мен бу ҳақда сайловлардан кейин «Халқ сўзи» газетасида катта бир мақола ёзган эдим. Унда ушбу сайловларнинг моҳияти ҳамда ўзига хослигини асослаб беришга ҳаракат қилганман.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Менимча, ушбу саволга учта йўналиш бўйича жавоб бериш мумкин. Биринчидан, Олий Мажлис олдинги парламентдан шаклан фарқ қилади. Иккинчи фарқи эса, унинг аввалгисидан моҳият ва мазмун жиҳатдан турличалигидир.

Маълумки, аввалги парламент: «Бутун ҳокимият шўроларга!» шиори остида ишларди. Бу эса мамлакатдаги барча масалаларнинг ҳал қилувчиси Олий Кенгаш деган маънони англатарди. Ҳозир мамлакатимизда мутлақо бошқача ҳолат: илгари барча ҳокимият тизгини Олий Кенгаш қўлида бўлган бўлса, энди унинг ўрнига учта ҳокимият шоҳобчаси пайдо бўлди. Учинчи фарқи — унинг таркибидадир. Чунки Олий Мажлисдаги депутатлар Олий Кенгашдан таркиби жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилади. Бу албатта, Олий Мажлисга бўлган сайловларнинг кўппартиялилик асосида ўтганлиги билан боғлиқ. Чунки сайловчи номзодни танлаш ҳуқуқига эга бўлди: у депутатликка номзодлар орасидан ўзига ёққан кишини саралаб, танлаб олди. Мен Олий Мажлис олдинги парламент — Олий Кенгашдан ана шу уч жиҳати билан тубдан фарқ қилади, деб ўйлайман.

А. ЖЎРАБОЕВ: Мен ушбу саволга яна бир қўшимча қилмоқчиман. Ҳозирги парламент олдингисидан, аввало, сифат жиҳатдан фарқ қилади. Унга асосан, интеллектуал, қўлидан иш келадиган, онг ва савияси юксак одамлар сайланди. Олий Мажлиснинг аввалги парламентдан яна бир катта фарқи унинг таркибида блок ҳамда фракцияларнинг ташкил қилинганлигидир. Чунки Ўзбекистон парламенти тарихида бундай ҳодиса биринчи марта содир бўлмоқда. Шу боис уни ҳеч иккиланмасдан энг катта фарқ деб аташ мумкин.

Бундан ташқари Олий Мажлис қўмиталари таркиби ва сонида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Агар адашмасам, Олий Кенгаш қўмиталарининг сони ҳозиргисидан кўп эди.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Ҳа, 14 та эди.

А. ЖЎРАБОЕВ: Ҳозир эса 12 та. Ундан ташқари янги парламентда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳам бор. Қўмиталарнинг ички таркиби ҳам олдингисига нисбатан кескин ўзгарди.

А. ЖАЛОЛОВ: Мен шу ўринда бир аниқлик киритмоқчиман. Олий Кенгаш қандай бўлган бўлмасин, лекин мураккаб ҳамда масъулиятли йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон мустақиллигини ҳам айнан ана шу парламент — Олий Кенгаш эълон қилди. Шу боис ҳам Ислом Каримов Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида унинг фаолиятига катта баҳо берган эдилар. Шу билан бирга янги парламент билан аввалгиси ўртасидаги яна бир фарқни айтмоқчиман. Янги парламентда олдингисига нисбатан депутатларни халқ манфаатлари йўлида янада кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишлари учун қонуний жиҳатдан катта имконият вужудга келди.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Сиз суҳбатимизга ўринли ва мақбул аниқлик киритдингиз. Биз аввалги парламентнинг хизматларини камситмаган ҳолда уларни ўзаро қиёслаб, бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларинигина излаяпмиз, холос. Лекин Олий Кенгаш, биз истаймизми, йўқми, тоталитар тузумнинг бир механизми эди. Зеро, мен бекорга юқорида: «Бутун ҳокимият шўроларга!», деган шиорни мисол келтирмадим. Биз эса ҳозир ҳуқуқий-демократик жамият қуриш сари қадам ташлаяпмиз. Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий ғояси ва шакли ҳокимиятнинг учга бўлинишига асосланади. Шунинг учун ҳам Олий Кенгашни илгариги даражасида сақлаб бўлмасди. Шу боис унинг ҳозирги даврга жавоб берадиган янги шакли жорий этилди.

МУХБИР: Парламентдаги блок ҳамда фракциялар ўртасидаги рақобатни қандай тасаввур қилиш мумкин? Ва у, сизларнинг фикрингизча, қандай асосларга қурилмоғи лозим?

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл билан XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қураяпмиз. Уйимизнинг қандай бўлиши эса оддий фуқародан тортиб, давлат бошқаруви фаолиятигача боғлиқ. Мен партияларимизнинг Устав ва Дастурлари билан яхши танишман. Ундаги асосий мақсад — тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлиги орқали бозор иқтисодига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуриш. Халқимизнинг манфаати ҳам айнан шундай.

Шу боис блок ва фракциялар ўртасидаги рақобатда энг муҳим мезон — сиёсий ҳамжиҳатлик таркиб топган. У ўзаро фикр алмашиш, бир-бирини тўлдириш, қўллаб-қувватлаш принципларига асосланган. Мана шундай ўзаро ҳамкорлик рақобатдан кўра кўлни-қўлга бериб интилиш, деб баҳоланса, янада тўғрироқ бўларди.

А. ЖАЛОЛОВ: Маълумки блок ва фракциялар Олий Мажлиснинг таркибий тузилмасига кирмайди. Фракция сўзи қонунларимизда аниқроғи, Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда фақат бир маротаба фракция вакили Олий Мажлис Кенгаши таркибига киришги ҳақидаги модда муносабати билан тилга олинган. Парламент таркибидаги блок ва фракциялар фаолияти тўғрисидаги масала бизнинг Конституциямиз, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳамда Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларидан мантиқан келиб чиқади. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт эндиликда сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, сиёсий партиялар халқимизнинг турли табақа ва гуруҳларининг иродасини ифодалаб, депутатликка сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари, Олий Мажлисга сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилиши лозим. Демак «рақобат»нинг бўлиши мутлақо табиий ҳолдир. Ҳамма гап унинг қандай тарзда тушунилиши ва юз беришида. Биз, кўпинча, «мухолифат» ёки «фракция» сўзини тилга олишга ботинмаймиз. Ваҳоланки, улар «ўзгача нуқтаи назар», «бўлак» ёки «гуруҳ», деган маънодан бошқа нарсани англатмайди. Ҳа, фракция бу — гуруҳ. Аммо, у — гуруҳбозлик эмас. Баъзан хорижлик меҳмонлар биздан сизлар бир-бирларингиз билан мухолиф кучлармисизлар ёки «биродармисизлар», деб сўраб қолишади. Биродарларнинг наҳотки бир-биридан фарқи бўлмаса? Бирадар ҳам бўлдик, дейлик лекин наҳотки, улар ўртасида ўзгача фикрлаш ёки ўзгача нуқтаи назар туғилмаса? Илмий даража учун диссертация ҳимоя қилувчи олимлар ўз оппонентларини ўзларига душман, деб эмас, балки маслаҳатчи, ҳатто устоз, деб ҳисоблашади-ку.

Ахир, биз — бир Ватан, бир замининг фарзандларимиз! Мақсадларимиз, ниятларимиз бир-ку. Биз фақат ушбу мақсадларга эришишнинг йўл ҳамда воситаларини турлича идрок қиламиз ва тегишли тарздаги саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, мамлакат ҳаётида шундай даврлар бўлади-ки, унда орадаги фарқлар, ихтилофлар эмас, балки барчани жипслаштирувчи, «бир ёқадан бош чиқартирувчи» омиллар устиворлик касб этади.

Жамиятимиз учун бугунги кунда ижтимоий барқарорлик, тинчлик, осойишталик қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, Олий Мажлис фаолиятидаги сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам ундан кам бўлмаган даражада аҳамиятлидир.

Республика раҳбарияти олиб бораётган ҳамда халқимиз манфаатларига тўла мос келадиган сиёсатнинг сиёсий партиялар томонидан қўллаб-қувватланишини мухолиф партиялар йўқ, деган маънода тушинмаслик керак. Уларнинг ҳар бири ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг ўзи мазкур партиялар мухолиф сиёсий ташкилотлар эканлигига етарли асос эмасми? Биз, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳамда кучлар, ахир 1994 йилнинг 25 декабридаги сайловларда ҳақиқий мухолифлар сифатида курашмадик-ми?

Шу ўринда бир муаммо. Сиёсий партия ҳамда уларнинг парламентдаги фракцияларининг давлат бошқарувидаги роли ва таъсирини кучайтириш учун, Президентимиз таъкидлаганларидек, тегишли қонунлар мажмуасини яратиш лозим. Акс ҳолда фракция ўз зиммасига юкланган вазифаларини бажариши қийин кўчади. Партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар эса Олий Мажлис ҳамда партиянинг муайян бўлагидир.

Фракция айтганимиздек Олий Мажлис тузилмасига кирмайди. Унинг фаолияти қонуний асосга қурилмас экан, у гарчи икки оёқда турса ҳам, оқсайверади. Бу ҳол парламент олдига фракцияларнинг ҳуқуқий мақомини тезроқ аниқлашни тақозо қилмоқда.

А. ЖЎРАБОЕВ: Очиқ гап, парламентда фракциялар иш қилаяптими ёки йўқ деган саволни тез-тез эшитиб қоламиз. Иш қилаяпти. Буни ҳеч иккиланмасдан айтоламиз. Бунга барча сиёсий партиялар фракцияси ҳамда блок фаолиятидан ҳоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Узоққа бормай, ўзимизнинг партиядан бир-икки мисол. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Акмалжон Қосимов «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг вакили ҳисобланади. Фракциямизнинг яна учта аъзоси Олий Мажлис қўмиталарини ифодалаб, депутатларнинг ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари, Олий Мажлисга сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилиши лозим. Демак «рақобат»нинг бўлиши мутлақо табиий ҳолдир. Ҳамма гап унинг қандай тарзда тушунилиши ва юз беришида. Биз, кўпинча, «мухолифат» ёки «фракция» сўзини тилга олишга ботинмаймиз. Ваҳоланки, улар «ўзгача нуқтаи назар», «бўлак» ёки «гуруҳ», деган маънодан бошқа нарсани англатмайди. Ҳа, фракция бу — гуруҳ. Аммо, у — гуруҳбозлик эмас. Баъзан хорижлик меҳмонлар биздан сизлар бир-бирларингиз билан мухолиф кучлармисизлар ёки «биродармисизлар», деб сўраб қолишади. Бирадарларнинг наҳотки бир-биридан фарқи бўлмаса? Бирадар ҳам бўлдик, дейлик лекин наҳотки, улар ўртасида ўзгача фикрлаш ёки ўзгача нуқтаи назар туғилмаса? Илмий даража учун диссертация ҳимоя қилувчи олимлар ўз оппонентларини ўзларига душман, деб эмас, балки маслаҳатчи, ҳатто устоз, деб ҳисоблашади-ку.

Ахир, биз — бир Ватан, бир замининг фарзандларимиз! Мақсадларимиз, ниятларимиз бир-ку. Биз фақат ушбу мақсадларга эришишнинг йўл ҳамда воситаларини турлича идрок қиламиз ва тегишли тарздаги саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, мамлакат ҳаётида шундай даврлар бўлади-ки, унда орадаги фарқлар, ихтилофлар эмас, балки барчани жипслаштирувчи, «бир ёқадан бош чиқартирувчи» омиллар устиворлик касб этади.

Жамиятимиз учун бугунги кунда ижтимоий барқарорлик, тинчлик, осойишталик қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, Олий Мажлис фаолиятидаги сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам ундан кам бўлмаган даражада аҳамиятлидир.

Республика раҳбарияти олиб бораётган ҳамда халқимиз манфаатларига тўла мос келадиган сиёсатнинг сиёсий партиялар томонидан қўллаб-қувватланишини мухолиф партиялар йўқ, деган маънода тушинмаслик керак. Уларнинг ҳар бири ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг ўзи мазкур партиялар мухолиф сиёсий ташкилотлар эканлигига етарли асос эмасми? Биз, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳамда кучлар, ахир 1994 йилнинг 25 декабридаги сайловларда ҳақиқий мухолифлар сифатида курашмадик-ми?

Шу ўринда бир муаммо. Сиёсий партия ҳамда уларнинг парламентдаги фракцияларининг давлат бошқарувидаги роли ва таъсирини кучайтириш учун, Президентимиз таъкидлаганларидек, тегишли қонунлар мажмуасини яратиш лозим. Акс ҳолда фракция ўз зиммасига юкланган вазифаларини бажариши қийин кўчади. Партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар эса Олий Мажлис ҳамда партиянинг муайян бўлагидир.

Фракция айтганимиздек Олий Мажлис тузилмасига кирмайди. Унинг фаолияти қонуний асосга қурилмас экан, у гарчи икки оёқда турса ҳам, оқсайверади. Бу ҳол парламент олдига фракцияларнинг ҳуқуқий мақомини тезроқ аниқлашни тақозо қилмоқда.

А. ЖЎРАБОЕВ: Очиқ гап, парламентда фракциялар иш қилаяптими ёки йўқ деган саволни тез-тез эшитиб қоламиз. Иш қилаяпти. Буни ҳеч иккиланмасдан айтоламиз. Бунга барча сиёсий партиялар фракцияси ҳамда блок фаолиятидан ҳоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Узоққа бормай, ўзимизнинг партиядан бир-икки мисол. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Акмалжон Қосимов «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг вакили ҳисобланади. Фракциямизнинг яна учта аъзоси Олий Мажлис қўмиталарини ифодалаб, депутатликка сайланган

«ИНФОРМСЕРВИС»

ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КИЧИК КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами билан мамлакатимиз Президенти жаноб Ислом Каримовни ва барча Ўзбекистон халқини қизғин қутлайди.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! СИЗЛАРГА ҲАМИША БАХТ-САОДАТ, ОМАД ЁР БЎЛСИН!

«ИНФОРМСЕРВИС» ўқув ишлаб чиқариш кичик корхонаси бу — ташкилотларни замонавий электрон техника асбоблари билан таъминлашга хизмат қилувчи истиқболли жамоадир.

«Информсервис»нинг хизматидан фойдаланинг!

«Информсервис» ўқув ишлаб чиқариш кичик корхонаси ташкилотларга чет элда ишлаб чиқарилган сўнги моделдаги энг замонавий персонал компьютерларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. IBM — PC/AT — 386 ДХ;
2. IBM PC/AT — 486 DXларнинг турли хиллари;
3. Ситизен калькуляторлари;
4. Panasonic факс аппаратлари;
5. Canon нусха кўпайтириш аппаратлари;
6. Samsung, Rogul, Casio касса аппаратлари;
7. Panasonic фирмасининг турли хил телефон аппаратлари;
8. Принтер (EPSON KX — 1000, EPSON KX-1050+)

Шу билан бирга «Информсервис» ташкилот ва муассасаларнинг буюртмаларига биноан автоматлаштирилган ишчи ўринлари яратишини ва уларни қўллашда кўмаклашишини маълум қилади.

Электрон техника воситаларини таъмирлайди. Уларга сервис хизмати кўрсатади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 1-проезд, 24-уй.
Телефон: 55-56-10.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА БИЛАН БОРАМИЗ,—

дейди «Даур» фирмасининг директори Баҳодиржон АЛИМОВ

Суҳбатдошимиз Баҳодиржон Тўхтаевич Алимов 1966 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1983 йили Юнусобод туманидаги 247-ўрта мактабни тамомлаган. 1994 йили Тошкент Давлат доирилфунунининг физика-математика куллиётини битириб, олий маълумотли математика ихтисосига эга бўлган. 1995 йилдан буён Тошкент шаҳридаги «Даур» фирмасининг директори. Оилали, бир фарзанднинг отаси.

— Баҳодиржон Тўхтаевич, аввало фирманинг вазифалари ва олдига қўйган мақсадлари хусусида сўзлаб берсангиз?

— Яқин келажакда Ўзбекистоннинг электрон техника мамлакатига айланиши кутилмоқда. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда фирмамизнинг ҳам алоҳида хизмати бўлади. «Даур» орқали ривожланган хорижий мамлакатлардан келтирилаётган қатор электрон техника воситалари шу кеча-кундузда мамлакатимиздаги банклар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга бошқа қатор муҳим тармоқларни ривожлантиришга кўмаклашаяпти. Келажак — замонавий электрон техниканинг қўлида. Шундай экан, биз ҳам шу муҳим ишга бажонидил ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Яқин икки йил ичида Ўзбекистонга энг сўнги моделдаги компьютерларни олиб келишни кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Сўнг сервис хизмати кўрсатиш билан шуғулланиш, дастурлар ишлаб чиқиши тадорини кўраяпмиз. Бу ишларни келаси йилнинг бошидан фирмамизда амалга оширилади-ган яна бир муҳим янгилик бирмунча мустаҳкамлайди. Американи-нинг «Транс Америтех» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиб, чет эл компьютерларини бевосита ўзимизда йиғишни режалаштираяпмиз. Эндиликда Сингапурдаги «Аверс» фирмаси ҳам биз билан ана шундай ҳамкорликка тайёр турибди.

Қимматроқ бўлса ҳам чет элдаги машҳур фирмаларнинг асл маҳсулотини корхона ва ташкилотларга сотишни олдимизга катта мақсад қилиб қўйганимиз бежиз эмас. Чунки айрим давлатлардаги майда фирма ва ширакатларда йиғилаётган электрон ҳисоблаш машиналари давр талабидан анча орқада қолиб кетмоқда. Замонавий иш йўсинларига мувофиқ келмаяпти. 90-йилларнинг бошида Россиядаги кўплаб банклар шундай арзон компьютерларга қизиқиб қаттиқ панд ейишди. Натижада ярим йил ўтмай уларни йирик фирмаларнинг ҳақиқий электрон техника воситаларига алмаштиришга мажбур бўлишди. Эндиликда эски ЭҲМларга киритилган программалардаги кўпгина хатоларни янгилари умуман такрорлаётгани йўқ. Чунки Америка, Япония давлатларидаги фирмалар, ўз маҳсулотларини кафолатли хизмат билан аниқ ишлаш чорасини кўриб қўйишган. Уларда компьютерларга уч йилгача кафолатли хизмат кўрсатиш оддий иш мезонига айланган. Биз ҳам хорижда-ги ана шундай синалган йўллан бор-моқчимиз. Келгусида фирмамиз орқали ўтган маҳсулотларнинг кафолатини зиммамизга олмоқчимиз. Бунинг учун аввало зарур шарт-шароитлар талаб қилинади. Айниқса, электрон техника воситалари ўрнатилган хоналар тоза бўлиши ҳавосидаги муъталлик сақланиши, электр қувватининг бир маромда ишлаши таъминланиши шарт. Тез сафдан чиқаётган ЭҲМларнинг аксарияти ана шу талабларга риоя этилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Бу ҳол кўпроқ хорижда-ги майда фирма ва ширкатларда ишлаб чиқарилган «сариқ» компьютерларнинг қўлланишида содир этиляпти. Фирмамиз орқали ўтаётган компьютерлар аксинча: аниқ-тиниқ ишлайди, ҳеч кимга панд бермайди.

Аслида бу фирманинг процессорлари ҳам «Интел» фирмасида тайёрланади. Шу асосда бошқа фирмалар ўз компьютерларини йиғишади. «Пентиум» компьютерларининг мақбул томонлари кўп: ўртача корхоналарнинг бухгалтерлик ҳисоб-китобларини битта шу

машинанинг ўзи бемалол олиб бориши мумкин. Ҳозиргача биргина республикамиз пойтахтининг ўзида электрон-техника воситалари билан шуғулланувчи 50га яқин фирма фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Бир-биримизга зарур пайтда ёрдам кўрсатиб борамиз. Биз билан хоҳ рақобатда бўлсин, хоҳ ҳамкорликда ишласин, шундай фирмалар қанчалик кўпайса шунча яхши. Чунки биз ўз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлаётган жонажон мамлакатимизни келажакда буюк давлатга айланишига умид қилиб яшаб, ишлаяпмиз. Шундай экан, электрон-техника воситаларни ҳам иқтисодиётимизнинг тамал тошига айланиши муқаррар. Унга биз ҳозирданоқ пойдевор яратиб боришимиз керак. Электрон-техника воситаларини яхши тушунадиган, улар билан тилласа оладиган мутахассисларни кўпайтиришимиз зарур. Бундай мутахассислар бизда қанчалик тез кўпайса, ташкилот ва корхоналарни автоматлаштириш жараёнлари ҳам шунчалик тезлашади. Шуни ҳисобга олиб, фирмамизда бепул маслаҳатни йўлга қўйганмиз. Қизиққан киши бизга келиб, тегишли ёрдам олиши мумкин. Қолаверса, олий ўқув юртларининг талабалари ҳам мутахассисларимиз хизматидан фойдаланиб компьютерлар билан тиллашиш сирларини ўрганишлари мумкин. Эндиликда биз ёшларга бу борада холис хизмат кўрсатяпмиз.

— Сиз билан мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрами арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Бу улуғ оилада қандай истак ва тилакларингиз бор?

— Мустақиллигимиз доим бор бўлсин. Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида истиқлолимизнинг ўтган тўрт йили мобайнида амалга оширилган улуғвор ишлар бугунги кунда қалби юрт ишқи билан ёнаётган ҳар қандай адолатли инсонни ҳаёжонга солмай қўймайди. Шукрлар бўлсинким, юртимиз кўксайин гуллаб-яшнаб, чирой очмоқда. Шундай экан, бу чирой, ҳусну латофатга асло кўз тегмасин. Меҳнаткаш халқимиз, раҳбариятимиз, Президентимиз омон бўлсин. Улуғ айёмга ўзимизнинг муносиб совғамизни ҳозирладик. Мустақиллик байрамига бағишлаб Тошкент шаҳрининг кўргазмалар залида 4-9 сентябрь кунлари савдо ярмаркасини ўтказамиз. Унда 80486 моделидаги замонавий компьютерларнинг 20 га яқин хили намойиш этилади. Савдо ярмаркасига барча ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларини таклиф этамиз. Улар кўргазма залнинг ўзидаёқ танлаган компьютерларига шартнома тузиб сотиб олишлари мумкин. Ҳар бир компьютернинг баҳоси 60 минг сўмдан 250 минг сўмгача. Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шу фурсатдан фойдаланиб биз билан ҳамкорликда ишловчиларга телефон рақамларимизни маълум қиламиз: Тошкент шаҳри (3712) 54-19-89; 54-19-88; 55-04-29 Раҳмат, фирманинг ишларига биз ҳам омад тилаймиз. Бозорингиз бароридан келсин!

Суҳбатош:
Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

Суратларда: фирма директори Боҳодиржон Алимов; электрон-техника муҳандислари Олег Каранго ва Андрей Икромов янги буюртма устида ишламоқда.
Козим УЛМАСОВ олган суратлар.

ТАШКИЛОТ МАЙДА ВА ЙИРИК УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

шарикли ручкалар, фломастерлар, стерженлар, (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), скорошивателлар, канцелярия елими, паронит (прокладка материали), фырикцион накладкалар, тормоз колодкалари, асбестли тахталар, арқон ва кукунлар.

Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи «Примикс» қўшимча озиқлантирувчи етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.

Ҳақ тўлаш — исталган шаклда.

Телефонлар: (3712) 33-41-47, 36-77-48.

• *Бухоро вилояти айём арафасида*

«АРК»ДА БАЙРАМ



Қадимий Бухоро меҳнаткашлари Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигини Регистонда, яъни «Арк» майдонида нишонлайдилар. Байрам муносабати билан Регистон майдони 100 фоиз қайта таъминланди. 1 сентябрь куни бўладиган театрлаштирилган халқ сайлида 5 минг кишига мўлжалланган жой ҳозирланаяпти.

ЧИҚИТДАН ГУЛДОНЛАР

«Бухоросут» ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги шиша цехини қуриб, фойдаланишга топширди.

Цехнинг асосий хом ашёси чиқитга чиқарилган синиқ шишалар ҳисобланади. Цех жамоаси ана шу чиқитга чиқарилган синиқ шишалардан гулдонлар, мева - сабзавот ва ширинликларга мўлжалланган 10 турдаги халқ истеъмол буюмларининг дастлабки турларини савдога чиқардилар.

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бўри Омонов номидаги тикувчилик ҳиссадорлик жамияти Исроилнинг «Данил» фирмаси билан ҳамкорликда эркаклар шимлари ишлаб чиқаришга йўлга қўйди. Маҳсулот бирлашма цехларидаги мавжуд дастгоҳларда тикилмоқда. Бунинг учун зарур газламани исроиллик шериклар етказиб беришмоқда.

Янги маҳсулотнинг дастлабки намуналари «Шаҳристон» растасидаги қўшма савдо ярмаркасида сотишга чиқарилди. Бухороликлар бундай бежирим маҳсулотларни харид қилаётганликларидан ғоят мамнун. Жамоа тикувчилари яқин келажакда исроиллик шериклари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида.

«ШОҲРУД» САЙЛГОҲИ



Бухоро қадимий эртаклар шаҳари. Эски шаҳар маркази Лабиҳовузни ким билмайди дейсиз? Мана шу Лабиҳовуз ёнидаги «Нодир девонбеги» мадрасасининг шарқий девори атрофи қаровсиз ҳолда ётган эди. Бухородаги «Шоҳруд» фирмаси З. Қиличев бошчилигидаги лойиҳачилар гуруҳи билан ҳамкорликда шарқона услубда «Шохруд» номли ажойиб сайлгоҳни тикладилар. Ушбу сайлгоҳ байрам арафасида ишга тушди.

Г. САМИЕВА,
ўз мухбиримиз.
Х. ҚОБИЛОВ,
жамоатчи мухбир.

СПОРТ

МУСОБАҚА БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

Кеча Тошкентда «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

«Юнусобод» теннис ўйингоҳи байрамолди безатилган. Бу ерда халқаро теннис мусобақасига оид турли плакат, алвон ва шиорлар кўзга ташланади. Турли тилларда ўзаро мулоқот қилаётган теннисчилару мутахассислар чеҳрасида мамнунлик. Анъанавий мусобақани ташкил этишга пухта ҳозирлик кўрилган. Кичик тўп ошуфталари баҳсининг тантанали очилиш маросими байрамона ранг-баранг ва бетакрор воқеаларга бой бўлди.

Узбекистонда катта теннисга алоҳида эътибор қилинаётгани хорижий мутахассисларни ҳайратга солмоқда. Хусусан, қисқа даврда юртимизга қўеш янглиг тўпнинг кириб келиши, қизғиш қопламали майдонларни ҳозирланиши азалий бунёдкорлик ҳамда эзгуликка ҳамиша ташналигимиздан нишонадир. Бу исроиллик теннис мутахассиси, «Президент кубоги учун» мусобақанинг бош ҳаками Данни Геллининг айтган қуйидаги сўзларида ҳам ўз-ифодасини топган: «Биз Исроилда тенниснинг оммавийлаштириш йўлида қарийб 15 йилдан бери ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Сирасини айтсам, Узбекистонда икки йил мобайнида биз учун 10 йил керак бўладиган даврда қилиналиган ишлар рўебга чиқарилди. Бу мамлакатда теннис дадил одим ташлаётганидан ҳайратга тушасан киши. Профессионал теннисчи бўлишни эндигина орзу қилаётган Узбекистонга Осиё теннис федерациясининг масъул ходими жаноби Утрапатининг ташриф буюриши ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг эътироф этишича, Узбекистонда бошланган хайрли ишлар ҳақида Осиё бўйлаб хушхабар тарқалган. Қисқа муддатда истиқлол юртни бунчалик оғизга тушиши бўлажак катта ишлардан дарак бермоқда, дейиш мумкин. Ўйлайманки, «Президент кубоги учун» бошланган мусобақа Осиё теннис мутахассисларини, ишбилармонларини қизиқтирмай қолмайди. Айрим мамлакатлардан тажриба орттиришга ташрифлар бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас».

Катта мусобақа олдидан уюштирилган матбуот конференциясида ҳам фикрлар илгари сурилди. Жумладан, мусобақа ташкилотчиси, швейцариялик тадбиркор Сассон Кокшури, Республика теннис федерацияси Президенти Шавкат Каримов, Республика спорт комитети раиси Собир Рўзиев, «Динамо» теннис ўйингоҳининг президенти Генрих Дашевский ва бошқа кўплаб чет эллик мутахассислар мухбирларнинг саволларига жавоб беришди. Йиғилишда айтилган сўзлардан шу нарса аён бўлдики, яқин келажакда мамлакатимиз теннис ривожланган давлатлар сафидан ўрин олади. Мусобақани ташкил этиш, теннисчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш билан жаҳон миқёсида юқори ўринларни эгаллаб турган спортчиларнинг Тошкентга чорлашга имконият яратилади.

Маълумки, бош соврин биллур ва кумушдан ясалган бўлиб, унинг юзига ҳозирча ўтган йил ўтказилган мусобақа ғолиби америкалик Чак Адамснинг номи ўйиб ёзилган. Бизнинг бирдан-бир мақсадимиз эса юртимизда теннисга қизиқувчилар сафини кенгайтириб, яқин келажакда ана шу бош совринга ўзбек ўғлонининг номи ҳам ёзилишига эришишдан иборат. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Чунончи, мусобақа олдидан уюштирилган саралаш баҳсларида Фарҳод Ғуломов, Абдуҳамид Маҳкамов, Ғанишер ва Улуғбек Раҳмутталев, Улуғбек Мусаев каби йигитлар илк марта халқаро мусобақа нафасидан баҳраманд бўлишди. Гарчанд улар жаҳоний теннис рўйхатидан жой олишмаган бўлишса-да, эзгу ниятда қўлларига саргиш тўпни маҳкам тутишган.

Мусобақада испаниялик Хорди Аресс, Карл-Уве Штиб, аргентиналик Дарвин Франко, морокколик Карим Алами, ҳамда ўзбекистонлик Олег Огородовларнинг бош совринга асосий даъвогар бўлишлари кутилмоқда. Ғолибларни эса соврин, қимматбаҳо буюмлар, мукофотлар ва долларлар кутмоқда. Чунончи, якка ва жуфтлик баҳсларда омади келган теннисчига 25 минг доллар берилади. Бордиғю, спортчи якка баҳсларда муваффақият қозонса 18 минг долларга эга бўлиши мумкин. Умуман, финалга йўлланма олган спортчига 10.600 доллар берилиш кўзда тутилган. Ҳар қалай ҳаракат қилган қуруқ қолмайди. Мусобақа ташкилотчилари ҳомий корхоналар қўмагида теннисчиларга аталган енгил машиналарни ҳам ҳозирлашмоқда. Бу сафар ҳам мусобақани кўтаринки руҳда, муросасиз баҳсларга бой бўлиши кутилмоқда.

М. МИРАБЗАЛОВ,
«Адолат»нинг спорт шарҳловчиси.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда чоп этилди.

Буюртма Г. —0378. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

123456